

Миллий статистика қўмитаси стипендияси танловини ўтказиш тўғрисидаги низом

I. Умумий қоидалар

Миллий статистика қўмитаси стипендияси танловини ўтказиш тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 24 февралдаги ПФ-27-сон, “Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2021 йил 9-сентябрдаги ПФ-6309-сон Фармонлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 февралдаги ПК-75-сон қарорига мувофиқ, Миллий статистика тизимини трансформация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва Миллий статистика қўмитаси учун истиқболдаги кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур низом “Миллий статистика қўмитаси стипендияси”ни (кейинги ўринларда – Стипендия) жорий этиш тартиби, танлов мезонлари, саралаш босқичлари, стипендияни тайинлаш ва тўлаш механизмлари, шунингдек, стипендия соҳибларининг амалиёт ўташ тартибини белгилайди. Стипендия совриндорлари танлов асосида аниқланади ва Миллий статистика қўмитаси раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

II. Танловни ташкил этиш тартиби

1. Миллий статистика қўмитаси стипендияси бўйича танлов комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) стипендия учун ўтказиладиган танлов жараёнини амалга оширади.

Комиссия қарорлари комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми йиғилишда иштирок этган тақдирда комиссия ваколатли ҳисобланади.

2. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– зиммасига юклатилган вазифаларнинг белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун мутахассисларни жалб этиш ва ишчи гуруҳлар тузиш;

– талабгорлардан танловга дахлдор бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш;

– комиссия йиғилишларига танлов жараёнини ташкил этишга алоқадор шахсларни таклиф этиш ва уларнинг ҳисоботларини эшитиш;

– танлов якунлари бўйича қарор қабул қилиш.

3. Комиссия йиғилишлари якуни бўйича баённома комиссия котиби томонидан расмийлаштирилади ҳамда Миллий статистика қўмитаси раисига тақдим этилади. Танлов ғолиблари Миллий статистика қўмитаси раиси буйруғи билан комиссия қарорига асосан белгиланади.

4. Танловда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасаларида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган ва статистика, иқтисодиёт, молия, ахборот технологиялари ҳамда маълумотлар илми ва таҳлили (Data Science & Analytics) йўналишлари бўйича узлуксиз таълим олаётган, бакалавриат босқичининг 3 – 4 курс ҳамда магистратура босқичининг иқтидорли талабалари иштирок этишлари мумкин.

5. Стипендия соҳиблари сони танлов натижалари ва молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, бир ўқув йили давомида 5 нафардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

6. Стипендияга даъвогарлар Миллий статистика тизимини трансформация қилиш офисига барча ҳужжатларни белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим этадилар. Зарур ҳолларда ҳужжатларнинг айрим турлари бўйича асл нусхалари ёки қоғоз шаклдаги вариантлари қўшимча равишда тақдим этилиши сўралиши мумкин.

7. Танлов Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва эълонда ҳужжатларни топшириш муддатлари кўрсатилади. Танлов умумий 3 босқичда ташкил этилади.

1-босқич – ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш (бир ҳафта).

2-босқич – назарий билимларни баҳолаш тестлари (бир ҳафта).

3-босқич – комиссия аъзолари билан суҳбат.

1-босқич саралаш босқичи ҳисобланиб, ушбу босқичда номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади ҳамда белгиланган талабларга мос келган номзодлар 2-босқичга ўтказилади.

2- ва 3-босқичлар 100 баллик тизим асосида алоҳида баҳоланади.

2- ва 3-босқичлар натижалари умумлаштирилиб, ушбу босқичлар бўйича тўпланган балларнинг ўртача қиймати асосида рейтинг

шакллантирилади ҳамда рейтингда энг юқори балл тўплаган номзодлар стипендия совриндорлари деб топилади.

2- ва 3-босқичлар натижалари бўйича эътирозлар бўлган тақдирда, номзодлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида апелляция аризасини тақдим этишлари мумкин. Апелляция аризалари 1 ой муддатда кўриб чиқилади.

Ҳар бир босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар хабардор қилинади.

Танлов якуний натижаларига кўра стипендия совриндорлари рўйхати Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

III. Танлов шартлари

8. Номзод:

- статистика, иқтисодиёт, математика ва АКТ соҳаларида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши ва ушбу соҳалар бўйича тестлардан ўтиши;
- Intelligence Quotient (IQ) тести натижалари бўйича минимал мезондан ўтиши;
- юқори ўртача рейтинг кўрсаткичига эга бўлиши (5 баллик тизимда: Grade Point Average (GPA) $\geq$ 4.0);
- хорижий тилларни билиши (инглиз, рус тиллари, бошқа хорижий тилларни билиш танлов жараёнида қўшимча устунлик беради);
- намунали хулқ-атворга эга бўлиши;
- ижтимоий фаол бўлиши керак.

9. Номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- маълумотнома (CV), боғланиш учун алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда;
- рағбат хати (motivation letter);
- академик рейтинг кўрсаткичлари (академик маълумотнома);
- хорижий тилларни билиш бўйича ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
- эришган ютуқлари ва ижтимоий фаоллиги ҳақида маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳужжат топширган номзодларнинг шахсий маълумотлари фақат танлов жараёнида номзодларни баҳолаш мақсадида фойдаланилади, маълумотларнинг конфиденциаллиги таъминланади ҳамда учинчи шахсларга тақдим этилмайди.

IV. Стипендияни тайинлаш ва тўлаш тартиби

10. Стипендия бир ўқув йили учун тақдим этилади. Стипендия 2025-2026-ўқув йили учун 2026 йил февраль-июнь ойлари давомида тўланади. 2026-2027-ўқув йилидан бошлаб стипендия учун танлов сентябрь ойида ўтказилади ва октябрь-июнь ойлари мобайнида тўланади.

11. Ойлик стипендия миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг уч баробарига тенг этиб белгиланади.

12. Ушбу Низомда кўрсатилган стипендия миқдорлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Солиқ қонунчилигига ўзгаришлар киритилган тақдирда, тўловлар тегишли солиқ мажбуриятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

13. Стипендия соҳибларига сертификат топширилади.

V. Стипендия соҳибларининг Миллий статистика қўмитасида амалиёт ўташи тартиби

14. Стипендия соҳиблари Миллий статистика қўмитасининг тегишли бошқармаларида ўқув йили давомида ўқув амалиёти ўташлари учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

15. Ўқув амалиётининг мақсади – ёшларни статистик жараёнлар, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, халқаро методологиялар билан яқиндан таништиришдир.

16. Стипендия соҳиблари ҳафтасига уч кун Миллий статистика қўмитасига келиб, ҳафтасига камида 15 соат амалиёт ўташлари лозим. Стипендия соҳибларига тажрибали устозлар (супервайзерлар) бириктирилади.

17. Амалиёт давомида талабанинг интизومي, масъулияти, профессионалиги қўшимча тарзда баҳоланади ва юқори натижаларга эришган номзодлар келгусида Миллий статистика қўмитаси учун истиқболли кадрлар резервига киритилади. Миллий статистика қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими ушбу низом билан ҳар бир стипендия соҳибларини таништирилишини таъминлайди.

VI. Стипендияни бекор қилиш тартиби

18. Стипендия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- академик қарздорлик пайдо бўлган тақдирда;
- танлов жараёнида ёки стипендия олиш даврида нотўғри ёки сохта маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;
- стипендия соҳибининг алмашинув дастурларида иштирок этиши натижасида олти ойдан ортиқ муддат давомида ўқиш жойида бўлмаган тақдирда;
- стипендия соҳиби талабалар сафидан четлаштирилганда;
- стипендия соҳибига академик таътил берилганда;
- стипендия соҳиби вафот этганда ва бошқа узрсиз сабаблар билан 30 кундан ортиқ амалиётга қатнаша олмаган ҳолларда.
- амалиёт давомида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилмаган тақдирда;

- амалиёт давомида белгиланган вазифаларни узрсиз сабаблар билан мунтазам бажармаса ва стипендия соҳибига бириктирилган устоз (супервайзер) баҳолашида “қоникарсиз” натижа қайд этилса;
- амалиёт давомида маълумотларни ҳимоя қилиш қоидалари бузилганда;
- амалиёт давомида меҳнат интизоми ва Миллий статистика қўмитаси ички тартиб ва қоидалари бузилган ҳолларда.

VII. Яқуний қоидалар

19. Мазкур низом талабларига риоя қилмаган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**“Миллий статистика кўмитаси стипендияси” танловини ўтказиш
бўйича номзодлар фаолиятини баҳолаш мезонлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Изоҳ
1-босқич – Хужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш		
1.	Маълумотнома (CV)	Таълими, академик кўрсаткичлари, билим ва кўникмалари, тил билиш даражаси ҳамда ижтимоий фаоллиги кўрсатилади.
2.	Рағбат хати (Motivation letter)	Статистика соҳасига қизиқиши, стипендияга даъвогарлик сабаблари ва Миллий статистика кўмитасида амалиёт ўташдан кўзланган мақсадлари баён этилади.
3.	Академик рейтинг (GPA) тўғрисида маълумотнома	Номзоднинг ўқишдаги ўртача рейтинг кўрсаткичи (5 баллик тизимда: $GPA \geq 4.0$) тасдиқланади.
4.	Хорижий тилларни билиш бўйича хужжатлар (<i>мавжуд бўлса</i>)	Хорижий тилларни билиш бўйича сертификатлар ёки тасдиқловчи маълумотлар.
5.	Эришилган ютуқлар ва ижтимоий фаолликни тасдиқловчи хужжатлар	Сертификатлар, дипломлар, конференция иштироки, волонтерлик ёки лойиҳа фаолияти.

Т/р	Кўрсаткичлар	Қўйиладиган балл	Изоҳ
2-босқич – Назарий билимларни баҳолаш тестлари <i>(1-босқичдан муваффақиятли ўтганлар таклиф қилинади)</i>			
1.	Статистика, иқтисодиёт, математика, ахборот технологиялари ва аналитик фикрлаш йўналишлари бўйича назарий билимларни баҳолаш тестлари	40 баллгача	статистика бўйича саволларга – 10 б.; иқтисодиёт бўйича — 10 б.; математика бўйича — 10 б.; ахборот технологиялари – 5 б.; аналитик фикрлаш — 5 б.
2.	ИҚ тести натижаси	20 баллгача	Стандартлаштирилган тест натижаси асосида баҳоланади. Балл тест натижасига пропорционал ҳисобланади.

3.	Академик рейтинг кўрсаткичи (GPA/рейтинг)	15 баллгача	Рейтинг баллга пропорционал тарзда ўтказилади (5 баллик тизимда: $GPA \geq 4.0$). Академик қарздорлик мавжуд бўлса танловга қўйилмайди.
4.	Инглиз тили бўйича тест	10 баллгача	Инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи ҳужжати (IELTS, CEFR, TOEFL) бўлмаган иштирокчилар белгиланган тартибда тест синовидан ўтадилар. Б2 ва ундан юқори даражадаги инглиз тили сертификатига эга номзодларга максимал 10 балл қўшилади.
5.	Илмий-тадқиқот фаолияти ва танловларда иштирок	5 баллгача	Статистика соҳасидаги илмий ишлари (тезислар, мақолалар), шунингдек, фан олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларда ғолиблигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида баҳоланади.
6.	Ижтимоий фаоллик, лидерлик ва намунавий хулқ-атвор	5 баллгача	Жамоавий ишларда фаоллик, волонтерлик фаолияти, тадбирларни ташкил этишдаги ташаббускорлик, шунингдек интизомий жазоларнинг мавжуд эмаслиги тавсиянома ҳамда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида баҳоланади.
7.	Рағбат хати (Motivation letter)	5 баллгача	Статистика соҳасига қизиқиш сабаби ва мақсадлари.
3-босқич – Танлов комиссияси билан суҳбат <i>(2-босқичдан муваффақиятли ўтганлар таклиф қилинади)*</i>			
Миллий статистика қўмитасида комиссия аъзолари билан ўтказиладиган суҳбат 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Суҳбат давомида номзодларнинг соҳага доир билимлари, мантиқий фикрлаш қобилияти, лидерлик салоҳияти, жамоада ишлай олиш қобилияти ҳамда ижтимоий фаоллиги баҳоланади.			

* II босқич учун максимал балл – 100.

III босқичга ўтиш учун минимал балл – 60.

Изоҳ (комиссия аъзолари учун методик эслатмалар):

Номзоднинг натижалари 100 баллик тизимда умумлаштирилади.

Баҳолашда тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тасдиқловчи манбалар мавжудлиги инобатга олинади. Танлов ғолиблари Миллий статистика қўмитасида амалиёт ўташи назарда тутилгани сабабли, номзоднинг масъулияти ва амалий кўникмалари алоҳида эътиборга олинади.